Беш йилликни муддатидан илгари бажарамиз

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

20-ИЛ ЧИҚИШИ | № 37 (4753). | 21 февраль, 1973 йил, ЧОРШАНБА | Баҳоси 2 тийин

РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

20 февраль куни Тошкентда республика саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа ходимларининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети чақирган партия-хўжалик активи йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишга область, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари ҳамда область ва шаҳар ижроия комитетларининг раислари, министрликлар ва идораларнинг, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, халқ контроли органлари, саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа корхоналари ва ташкилотларининг раҳбарлари, ишчилар, инженер-техник ходимлар, ишлаб чиқариш новаторлари таклиф этилди.

Актив йиғилишида РСФСР Иваново областининг КПСС Иваново область комитети биринчи секретари В. Г. Клюев бошчилигидаги делегацияси қатнашди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов кириш нутқи сўзлаб йиғилишни очди.

Актив йиғилиши республика саноати, қурилиши, транспорти ва алоқасида 1972 йилда социалистик мажбуриятларнинг бажарилиш якунлари ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг қарорига мувофиқ 1973 йилда халқ хўжалик планини барвақт бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин доклад қилди.

Доклад муҳокамасида Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, Марғилондаги «Атлас» фирмасининг тўқувчиси А. Умаров, Қорақалпоғистон область партия комитетининг секретари А. П. Федоров, Ўзбекистон ССР енгил саноат министри Ф. Х. Хўжаев, «Алмаликсвинецстрой» трести партия комитетининг секретари М. А. Николаева, Самарқанд область партия комитетининг секретари И. К. Юсупов, Тошкент трактор заводининг директори П. М. Мирзаахмедов, Узсовпроф секретари Х. В. Нуъмонов, Ўзбекистон ССР қурилиш министри С. И. Иброҳимов, «Қаршистрой» бошқармасининг бошлиғи Х. А. Шоғазатов, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Б. Арсентьев, «Главташкентстрой»нинг бошлиғи Г. М. Саркисов, Хоразм область партия комитетининг иккинчи секретари И. П. Дрижак қатнашдилар.

Йиғилиш аҳли Иваново области делегациясининг раҳбари — Иваново область партия комитетининг биринчи секретари В. Г. Клюев нутқини самимий кутиб олди.

Йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон саноат, транспорт, алоқа ва қурилиш меҳнаткашларининг тўққизинчи бешйилликнинг ҳал қилувчи, учинчи йили планини барвақт бажариш юзасидан зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини якдиллик билан қабул қилдилар.

(ЎзТАГ).

ЎРТОҚ Н. В. ПОДГОРНИЙГА МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

19 февралда Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Н. В. Подгорнийга Ленин ордени ҳамда Социалистик Меҳнат Қаҳрамонининг иккинчи «Ўроқ ва Болға» олтин медали топширилди.

Ўртоқ Н. В. Подгорний Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун ва туғилган кунига 70 йил тўлганлиги муносабати билан ана шу юксак мукофотни олишга сазовор бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси ўртоқ Л. И. Брежнев мукофотни топширди.

Залда мукофотни топшириш вақтида Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, П. Е. Шелест, Ю. В. Андропов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, В. И. Долгих, И. В. Капитонов ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

Залда СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе ҳам бор эди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев юксак мукофотни топширар экан бундай деди:

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз Николай Викторович!

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети кеча сени 70 йиллик юбилей билан самимий табрикладилар.

Партия ва совет халқи олдидаги катта хизматларинг учун сен Ленин ордени ва иккинчи «Ўроқ ва Болға» олтин медали билан мукофотландинг.

Мен қувончли топшириқни бажариб, Николай Викторович, сенга Ватанимизнинг шу юксак мукофотини топширишимдан гоят мамнунман.

Биз, коммунистлар учун шу хилдаги туғилган кунни нишонлаш ҳаёт йўлимизга назар солиш учун ҳамиша бир важ бўлиб келди. Бундай йилликлар донм нима қилинганлигига ва яна нима қилишга кераклигига баҳо бериш учун талабчан бир мезондир. Николай Викторович, шу тантанали кунда хурсанд ва мамнун бўлмоғинг учун ҳамма асослар бор. Халқ бахт-саодати йўлида, улуғ мақсадимиз — коммунизм йўлида меҳнат қилиш социалистик жамиятда ленинчи партиямиз ҳар бир аъзосининг фазилатларига баҳо берувчи асосий мезон эканлиги яхши маълум. Сен ўзингнинг бутун фаолиятингни шунга бағишладинг.

Ишчи оиласининг фарзанди Николай Викторович йигитлик чоғидаёқ актив сиёсий фаолиятга қўшилди. У комсомол билан, партия билан ярим асрдан кўпроқ меҳнат йўлини босиб ўтди. Мамлакатимиз учун, бу йиллар социалистик жамият қуриш учун қаттиқ кураш йиллари, оғир уруш йиллари ва урушдан кейинги тикланиш йиллари, коммунизм қурилишига ўтиш йиллари бўлди.

Партия ўртоқ Подгорнийни социалистик қурилишнинг қайси участкасига юбормасин, у ҳамма жойда ўзига кўрсатилган ишончни оқлади. Николай Викторович ҳозирги пайтда ҳам СССР Олий Совети Президиумининг Раиси каби масъулиятли лавозимда ишлаб, ўзининг бутун куч ва билимини, бутун тажрибасини партиянинг социалистик демократияни янада ривожлантириш ва Совет давлатини мустаҳкамлашга қаратилган йўлини амалга оширишга сарф қилмоқда. У биз билан биргаликда мамлакатимизнинг халқаро позицияларини мустаҳкамлаш, КПСС XXIV съезди белгилаб берган тинчлик программасини амалга ошириш соҳасида зўр активлик билан кўп иш қилмоқда. Николай Викторович ўз фаолияти билан партиямизнинг, барча совет кишиларининг иззат-ҳурматига сазовор бўлди.

Биз, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари биз билан бирга ишлаётган ўртоғимиз Николай Викторовични коллективимизнинг бутун кўп қиррали ишларида актив қатнашаётган принципиал ва сезгир ўртоқ сифатида яхши биламиз ва қадрлаймиз.

Азиз Николай Викторович!

Юксак мукофотни топширар эканман, шу ерда ҳозир бўлган барча ўртоқлар номидан ва шахсан ўз номимдан яна бир марта самимий табриклайман ва сени дўстона қаттиқ қучаман. Қадрдон дўстимиз, ҳаммамиз сенинг узоқ йиллар самарали меҳнат қилишингни, ҳамиша ҳам ҳозиргидек сергайрат ва сиҳат-саломат бўлишингни истаймиз. Партиямизнинг ва совет халқининг бахт-саодати, коммунизм тантанаси йўлидаги ишингда катта муваффақиятлар тилаймиз!

Ўртоқ Л. И. Брежнев СССР Олий Совети Президиумининг Фармонини ўқиб берди ва ўртоқ Н. В. Подгорнийга Ленин ордени ҳамда Социалистик Меҳнат Қаҳрамонининг «Ўроқ ва Болға» олтин медалини топширди.

Ўртоқ Н. В. Подгорний жавоб нутқи сўзлади

Ўртоқ Н .В. ПОДГОРНИЙ нутқи

Азиз Леонид Ильич!

Азиз ўртоқлар, дўстлар!

Партиямиз ленинчи Марказий Комитети, Олий Совет Президиуми ва Совет ҳукуматининг етмиш ёшга тўлганлигим муносабати билан йўллаган табрикномасида умумий ишимизга қўшган камтарин ҳиссамга берилган юксак баҳони чексиз миннатдорчилик билан қабул қиламан. Мен юксак шараф — Ленин ордени ва иккинчи «Ўроқ ва Болға» олтин медали билан мукофотланганлигимдан астойдил миннатдорман. Мен, азиз ўртоқлар, Леонид Ильичнинг шаънимга айтган илиқ, самимий сўзларини гоят тўлқинланиб тингладим.

Партиямизга мансуб бўлиш, унинг ҳаққоний иши учун курашиш буюк бахтдир. Ўзимнинг бутун меҳнат фаолиятимда ҳамиша партия билан бирга бўлганлигимни, ўзимнинг ҳамма фикр ва орзуларимни у билан боғлаганлигимни англаганлигимдан гоят мамнунман.

Партия бизларни коммунизмнинг улуғ ғояларидан бахраманд қилди, коммунистик идеаллар учун курашчилар қилиб тарбиялади, халқ бахт-саодати йўлида меҳнат қилиш учун зўр ғайрат-шижоат бахш этди. Владимир Ильич Ленининг ўлмас саймоси ҳамиша бизнинг кўз ўнгимизда, унинг васиятларини бажаришга ҳамиша интиламиз ва ўзимизни зўр нфтихор билан ленинчилар деб атаймиз. Мен бажара олган ва бугун жуда юксак баҳо берилган ишларнинг ҳаммаси, менинг бутун хизматим, халқнинг умумий меҳнатига қўшган ҳиссам улуғ Коммунистик партиямиз ишининг бир қисмидир.

Азиз ўртоқлар!

Биз ажойиб пайтларни бошдан кечирмоқдамиз. Совет Иттифоқи коммунистлари, барча совет кишилари мамлакатимизда ҳам, бутун дунёда ҳам рўй бераётган чинакам жаҳоншумул-тарихий ўзгаришларнинг шоҳидлари ва актив иштирокчиларидир. Ватанимизнинг бепоён ерларида КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини амалга ошираётган совет кишиларининг бунёдкорлик меҳнати тобора кенг кулоч ёзмоқда, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида эришаётган муваффақиятларимиз кўпайиб бормоқда, янги коммунистик маданиятнинг белгилари тобора равшан намоён бўлмоқда.

Улуғ давлатимизнинг қудрати ҳар қачонгидан кўра ҳам мустаҳкамланди ва унинг халқаро майдондаги обрў-эътибори бениҳоя ўсди. Бизнинг ташки сиёсатимиз ҳар қачонгидан кўра ҳам активлашиб кетди. Партия ва Совет давлатининг халқаро хавфсизлик учун, меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатлари учун изчиллик ва собитқадамлик билан олиб бораётган кураши бутун жаҳонда тобора кенг эътироф этилмоқда ва қўллаб-қувватланмоқда. Ҳозирги кунда партиянинг планлари ва ишлари янги мезонга эга бўлмоқда; биз эндиликда илгари хаёлимизга ҳам келтира олмаган вазифаларни ўртага қўймоқдамиз ва ҳал этмоқдамиз.

Умумий куч-гайратимизнинг тарихий аҳамиятини ҳис этиш, ўзингни партия ва халқнинг кўп қиррали фаолиятида иштирокчи деб ҳис этиш буюк бахтдир. Буни англаш янада зўр ғайрат билан ишлашга интилиш туғдиради.

Бизнинг партиямизда, Марказий Комитетда, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида вужудга келган ўртоқларча ишонч ва жипсликдан ибарат ажойиб вазият ҳаммамизни қувонтиради. Буни ҳақли равишда Марказий Комитет ва Сиёсий бюро ҳозирги составининг хизмати, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Леонид Ильич Брежневнинг шахсан кўшган катта ҳиссаси деб ҳисоблаймиз. Леонид Ильич Брежнев олдимизда турган вазифаларни ҳал этмоқ учун бизнинг коллективимизни, бутун партиямизни зўр моҳирлик билан бирлаштира ва уюштира олди. Принципиаллик, ишчанлик; ижодий изланиш вазияти бутун куч-гайратни сарф қилиб ишлаш имкониятини таъминлаяпти, бир кучимизга ўн куч қўшяпти.

Азиз ўртоқлар!

Мен учун тантанали бўлган бу кун, Сизларнинг дўстона эътиборингиз, самимий сўзларингиз ҳамиша хотирамда сақланиб қолади. Дўстлар ва сафдошлар, ҳамкорлигингиз учун, ҳамиша ўртоқларча қўллаб-қувватлаганлигингиз учун, Сизлар билан биргаликда халқимиз, Коммунистик партиямиз, Совет Ватанимизнинг бахт-саодати йўлида бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилиш бахтига муяссар бўлганлигим учун сизларга чин кўнгилдан раҳмат.

Мен ўз ишимга берилган юксак баҳони, аввало, Марказий Комитетнинг ишончи деб, партия томонидан менинг зиммамга катта масъулият юкланганлигини исбот этувчи янги далил деб биламан.

Азиз ўртоқлар, мен сизларни ишонтириб айтаманки, бундан буён ҳам ана шу ишончга муносиб бўлиш учун, ҳаётимнинг ҳар куни улуғ ишимизнинг тантанасига эришмоқ учун ҳамиша ўзимнинг бутун кучимни бағишлайман. Азиз дўстлар, сизга яна бир бор катта раҳмат.

* * *

Л. И. Брежнев ва Н. В. Подгорний ўртоқларнинг нутқлари қарсаклар билан кутиб олинди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, Сиёсий бюро аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари ўртоқ Н. В. Подгорнийни туғилган куни ва Ленин ордени, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонининг иккинчи «Ўроқ ва Болға» олтин медали топширилиши билан илиқ ва самимий табрикладилар, унга сиҳат-саломатлик, Коммунистик партия, совет халқи бахт-саодати йўлидаги самарали фаолиятида катта муваффақиятлар тиладилар. (ТАСС).

ИВАНОВО ТЎҚИМАЧИЛАРИ БИЛАН САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган мусобақадош Иваново области тўқимачиларининг вакилларини Тошкент шаҳри ишчилари ва областимиз меҳнаткашлари ҳамма ерда қизғин кутиб олмоқдалар. Ишчилар ва колхозчилар билан бўлган ўзаро суҳбатларда ивановоликлар меҳнатда қўлга киритаётган ютуқлари, тўққизинчи бешйиллик учинчи йилининг ўтган ойлари давомида эришган зафарлари ҳақида ҳикоя қилиб бермоқдалар.

Кеча кеча қадрдон меҳмонлар В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида бўлдилар. У ерга Иваново область партия комитетининг биринчи секретари В. Г. Клюев, «Шуйский пролетарий» фабрикаси мастери ёрдамчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. И. Никитин, Иваново меланж комбинатининг тўқувчиси, РСФСР Олий Советининг депутати А. Ф. Ерофеевалар ташриф буюрдилар. Улар музей экспозицияларини кўздан кечирдилар, фахрли меҳмонлар Китобига ўз таассуротларини ёзиб қолдирдилар. Делегация аъзоларини музей филиали директори Х. Р. Мусахонова кутиб олди.

Илгари хабар қилинганидек, 19 февралда мусобақадош ивановоликлар Калинин районидаги «Ленин йўли» колхози аъзолари ҳузурида бўлдилар. Суратда: (чапдан ўнгга) «Шуйский пролетарий» фабрикаси мастери ёрдамчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. И. Никитин, Иваново меланж комбинати тўқувчиси, РСФСР Олий Советининг депутати А. Ф. Ерофеева ва Иваново область партия комитетининг биринчи секретари В. Г. Клюев ўртоқлар.

А. Абалян фотоси.



ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ, ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ВА ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИДА

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари совети район марказларини ва шаҳар типидаги поселкаларни ободонлаштириш, санитария ҳолатини янада яхшилаш бўйича районлараро социалистик мусобақанинг 1972 йил тўртинчи квартали якунларини кўриб чиқиб, **қарор қилдилар.**

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзлари советининг Кўчма Қизил байроғи ҳамда 300 сўм пул мукофоти **Бекобод районига** берилсин. (Район партия комитетининг секретаря **З. Т. Маҳсумов**, район ижроия комитетининг раиси **С. Хатамов**, район коммунал хўжалик бўлимининг мудири **А. Ҳасанов**).

Оққўрғон районида ободонлаштириш ва санитария ҳолатини тартибга келтириш ишлари яхши йўлга қўйилганлиги қайд қилинсин (Район партия комитетининг секретари **С. М. Тоиров**, район ижроия комитетининг раиси **А. Сопиназаров**, район коммунал хўжалик бўлимининг мудири **И. С. Содиқов**).

Шунингдек, **Оҳангарон районида** ҳам ободонлаштириш ва санитария ҳолатини тартибга келтириш ишлари яхши йўлга қўйилганлиги қайд қилинсин. (Район партия комитетининг секретари **Х. Обидов**, район ижроия комитетининг раиси **У. Умрзоқов**, район коммунал хўжалик бўлимининг мудири **И. Аҳроров**).

ҚАРДОШЛИГИМИЗ МУСТАҲКАМ

ЎЗБЕКИСТОН ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИ ЙИҒИЛИШИДА ИВАНОВО ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ В. Г. КЛЮЕВ НУТҚИ

Азиз ўртоқлар ва дўстлар! Қадрли қардошларимиз! Ўзбекистон партия-хўжалик активининг йиғилишида қатнашишга таклиф қилганлиги учун аввало Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетига ва шахсан Шароф Рашидович Рашидовга самимий миннатдорчилик изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Бирга ишлайдиган ўртоқларим билан мен меҳмондўст Ўзбекистон диёрида биринчи бор бўлаётганимиз йўқ. Биз, ивановоликлар кўп йиллардан бери Ўзбекистон меҳнаткашлари билан боғлаб келмоқдамиз. Ҳар сафар ажойиб одамларингиз билан учрашганимизда сизнинг республикангиз совет ҳокимияти йилларида мамлакатимиздаги бошқа қардош халқлар билан яқин иттифоқ бўлиб шонли Коммунистик партиямиз, унинг ленинчи Марказий Комитети раҳбарлигида эришган жуда катта муваффақиятлар учун бениҳоя нфтиҳор туйғуларига тўлиб-тошамиз.

Сиз, азиз ўртоқларга ва сизлар орқали серқуёш Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларига революцион тўқимачилик ўлкамиз ишчилари, колхозчилари, зиёлилари — барча меҳнаткашларидан қардошларча салом, энг эзгу, самимий тилакларимизни топширишга ижозат бергайсизлар.

Ўтган йили сизлар мўл пахта ҳосили олиш учун зўр ғайрат билан қилган фидокорона меҳнатингизни, республикангизнинг бутун тарихи мобайнида энг мўл ҳосил териб олганлигингизни биз, ивановоликлар қойил қолиб кузатиб турдик.

Бизнинг фабрикаларимиз Ўзбекистон пахтасисиз муваффақиятли ишлай олмаслиги ва совет халқи учун чиройли газламалар ишлаб чиқара олмаслиги учунгина эмас, балки, аввало, сизлар билан биз жонажон қардошлар бўлганлигимиз учун ҳам ана шу ҳамкорлигимиз ва дўстлигимиз учун қувонамиз. Сизларнинг меҳнатдаги муваффақиятларингиз ва зафарларингиз бизни астойдил хурсанд қилади.

Ҳали яқиндагина совет кишилари 1972 йилни якунладилар. 1972 йил кўп миллатли мамлакатимиз тарихига унинг эллик йиллиги нишонланган, давлатимиз экономикасини янада ривожлантириш йўлларини белгилаб берган партия Марказий Комитетининг декабрь Пленуми ўтказилган йил бўлиб кирди.

Кремлдаги қўшма тантанали мажлисда Леонид Ильич Брежнев қилган докладда совет халқи қаҳрамонона меҳнатининг шонли якунлари чуқур ва атрофлича ёритиб берилди, бу якунлар КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун қурашда меҳнаткашларнинг куч ва ғайратларини жўш урдириб юборди.

Йилгалар қўшилиб, азим дарёлар ҳосил бўлгани каби мамлакатнинг муваффақиятлари ҳар бир республика ва область, ҳар бир ўлка ва район, ҳар бир корхона, колхоз ва совхоз планларининг бажарилишидан таркиб топади.

Бугун биз мусобақадош дўстларимизга шуни қувонч билан маълум қиламизки, тўқимачилик ўлкасининг меҳнаткашлари беш йилликнинг иккинчи йилини муваффақиятли якунлаб, мамлакатга рекорд миқдорда газлама бердилар. Улар 2 миллиард 300 миллион метр чит, энгир толаси ва жундан тўқилган газлама тўқидилар ҳамда пландан ташқари 40 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқардилар. Иваново тўқимачиларининг корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш асосида кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигини ошириш соҳасидаги иш тажрибаси ва чинакам фидокорона меҳнатига яқинда Россия Федерациясининг Министрлар Совети юксак баҳо берди. Айни вақтда республикамиз ҳукумати Иваново фабрикалари базасида бу йил саноат ходимларининг Умум Россия семинарини ўтказишга қарор қилди. Иш тажрибамизни қардошларча баҳам кўрмоқ учун сиз, азиз ўзбек дўстларимизни ана шу семинарга ҳурсандчилик билан таклиф этамиз. Шу билан бирга, биз сизларнинг шонли меҳнат коллективларингизга кўп йиллар давомида орттирилган барча янги, илғор тажрибаларни ўрганиб олишни истаймиз.

(Давоми 2-бетда).

ХАЛҚЛАР ИНТЕРНАЦИОНАЛ БИРЛИГИНИНГ РАМЗИ

«Халқларнинг чиндан ҳам бирдаша олишлари учун,— деган эди К. Маркс,— уларнинг манфаатларни умумий бўлмоғи керак. Уларнинг манфаатлари умумий бўлмоғи учун мавжуд мулкчилик муносабатларига барҳам берилиши керак, чунки мавжуд мулкчилик муносабатлари бир халқнинг бошқа бир халқ томонидан эксплуатация қилинишига сабаб бўлади; мавжуд мулкчилик муносабатларининг йўқ қилинишидан фақат ишчилар синфигина манфаатдордир. Бу иш фақат ишчилар синфинигина қўлидан келади» (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар тўплами, 4-том, 371-бет). Улуғ Октябрь ғалабаси ва ССР Иттифоқининг ташкил этилиши ҳамда равнақ топиши К. Марксннинг ана шу башоратини тўла тасдиқлади.

Ер юзининг олтидан бир қисмида ғалаба қозонган социалистик революция турли миллат ва элатлардан иборат меҳнаткаш кишиларнинг ягона, монолит жамиятини барпо этишга, миллий, ирқий ва шовинистик сарқитларни тугатишга даъват этилган эди. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ижтимоий ҳаётнинг асрлар давомида муаммо бўлиб келган бу мураккаб масаласини жуда муваффақиятли ҳал этди. Бунда партиямизга миллий масала бўйича ленинча программа энг муҳим дастур бўлди.

Кўп миллатли Совет давлатини барпо этиш ва ривожлантириш тажрибаси оламшумул-тарихий аҳамиятга молик воқеадир. Марксизм-ленинизм принциплари, пролетар интернационализми ғояларининг ҳаётдаги шак-шубҳасиз тасдиғи бўлган бу тажриба КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг эллик йиллиги тўғрисида» қилган докладида чуқур анализ қилиб берилди. Бинобарин, миллий масала бўйича ленинча таълимот ижодий ривожлантирилди, янги назарий хулосалар чиқарилди.

Октябрдаги ғалабадан сўнг, ишчилар синфи революция туфайли вужудга келган пролетар бирдамлигининг улуғ кучини бирлашган контрреволюцияга қарши қўйди. Натижада гражданлар уруши революция душманлари устидан ғалаба билан тугади.

Тинч қурилиш даври бошлангач, совет республикаларининг ҳар бири олдида энди нима қилиш керак, қай тарздаги давлат формасини танлаб олиш керак, қардош республикалар билан ўзаро муносабатимизни қай тарзда қуриш керак, деган савол пайдо бўлди.

Совет республикаларини империализм ҳужумидан ҳимоя қилиш, вайрон бўлган ишлаб чиқаришни объектларини тиклаш ва ягона социалистик хўжаликни яратиш, мамлакатнинг барча халқлари бахт-саодати йўлида иқтисодий меҳнат тақсимотини рационал йўлга қўйиш ва табиий бойликлардан унумли фойдаланиш, меҳнаткашлар моддий фаровонлигини тўхтовсиз ошириш, барча миллат ва элатлар маданиятини ҳар томонлама ривожлантириш ва гуллаб-яшнатиш манфаатлари Совет Республикаларини ягона Иттифоқ давлатига бирлаштиришни ниҳоят даражада талаб этарди.

Ягона давлатга бирлашишни тақозо этган ана шу объектив шарт-шароитларни тушунib етган ишчилар синфи, барча миллатларнинг меҳнаткашлари бундан олдинги йилларда катта-катта самаралар берган бирликни мустаҳкамлашга интилавердилар. Совет республикаларини бирлаштириш масаласи жойларда Советларнинг съездларида, жуда кўп киши иштироки билан ўтказилган митинг ва йиғилишларда кенг муҳокама қилинди. Барча миллатларнинг меҳнаткашлари оммаси социализм ва коммунизм қуришдан иборат муштарак мақсадга эришмоқ учун ўзларининг куч-ғайратларини ва ресурсларини бирлаштиришга қатъий қарор берганликларини изҳор қилдилар.

Шундай қилиб, барча совет халқларининг туб манфаатлари, мамлакатимизда социализм учун олиб борилаётган курашнинг бутун мантиқи бирлашган кўпмиллатли социалистик давлат ташкил этишни талаб қилар эди. Бу тарихий ишга ленинчи-интернационалист партиямиз ўзининг революцион ғайратини, жуда катта тажрибаси ва иродасини сарфлади. Бунда у социалистик революция назариясининг муҳим таркибий қисми бўлган миллий масалага доир маркса-ленинча таълимотга, пролетар интернационализми принципларига қатъий амал қилди.

Партия ва халқнинг йўлбошчиси В. И. Ленин кўпмиллатли социалистик давлатни вужудга келтириш ишига жуда кўп меҳнат сарфлади. Геннал доҳий Улуғ Октябрдан сўнг, совет республикаларга қурилиши тажрибасини, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тажрибасини чуқур ўрганиб, тенг ҳуқуқли республикаларнинг ихтиёрий иттифоқи шаклида ягона иттифоқ давлати тузиш планини таклиф қилди. Революция вужудга келтирган ва ўз ҳаётий кучини амалда исботлаган Советлар ҳокимияти бундай давлатнинг табиий негизи бўлди. В. И. Ленин Совет Иттифоқи давлатини ташкил этишнинг асосий принципларини ҳам белгилаб берди. 1922 йил 27 сентябрда Сиёсий Бюро аъзоларига доҳий йўллаган мактуб шу нуқтаи назардан жуда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мустақил Совет республикалари РСФСР составига киришлари керак эмас, деб кўрсатди у, балки РСФСР билан бирга, РСФСР билан бир қаторда иттифоқ давлатига киришлари лозим, иттифоққа киришнинг ихтиёрийлиги, иттифоқдош республикаларнинг тенг ҳуқуқлилиги иттифоқ давлатининг асосий принциплари бўлиши керак.

В. И. Ленининг ана шу йўл-йўриқлари асосида Советларнинг I съезди жаҳонда биринчи кўпмиллатли социалистик давлат—Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини тузди. Ўртоқ Л. И. Брежнев бу буюк воқеага баҳо бериб, шундай деди: «1922 йил 30 декабрь куни —давлатимиз ҳаётида ҳақиқатан ҳам тарихий сана, барча совет халқларининг тақдирида муҳим босқич, уларнинг катта байрами... Бу — халқларимизнинг дўстлик ва қардошлик куни, социалистик интернационализм байрами...».

Кейинчалик яна бир қанча иттифоқдош республикалар тузилиб, улар шу иттифоққа кирганлиги социализм қуришда мамлакатимиз халқларининг кучи ва имкониятларини янада кўпайтирди. Бу изчил пролетар интернационализми принципларига асосланган янги типдаги миллий муносабатлар тизимасн эди. Шу туфайли Ватанимизни социал, иқтисодий ва маданий жиҳатдан тараққий эттириш, мудофаа қудратини ошириш учун мислсиз имкониятлар очилди. Совет халқи, унинг бузилмас дўстлиги, янги ижтимоий тузумимиз Улуғ Ватан уруши синовларига бардош бериб, халқаро империализмнинг зарбдор кучи—фашизм устидан оламшумул-тарихий ғалабага эришганлиги ҳам ССР Иттифоқининг шарофатидир.

Мамлакатимизда ривожланган социалистик жамият қурилганлиги халқлар интернационал бирлигининг рамзи — СССРга жипслашган барча миллат ва элатлар куч-ғайратининг муносиб якуни бўлди. Ватанимиз меҳнаткашлари фақат шу кўп миллатли совет социалистик давлати туфайлигина коммунистик жамиятни муваффақиятли қуриш учун мамлакатнинг бутун ресурсларини бирлаштириш имкониятига эга бўлмоқдалар.

ССР Иттифоқи дунёнинг қудратли индустриал мамлакатига айланган. У юксак ривожланган саноат, механизациялашган социалистик қишлоқ хўжалигига, илғор фан ва маданиятга ҳамда аҳолининг юксалиб бораётган турмуш фаровонлигига эгадир. Бу улкан муваффақиятлар барча миллатлар ва элатларнинг бирдамлигидаги қаҳрамонона ва фидокорона натижасидир.

Барча совет кишиларининг куч-ғайрати билан ягона давлат плани асосида тараққий этаётган, ўзаро боғланган, ривожланган социалистик экономика яратилди. Совет Иттифоқининг экономикаси»,—деб кўрсатди ўртоқ Л. И. Брежнев,— айрим республикалар ва областлар экономикасининг йиғиндисидан иборат эмас. У барча миллатлар ва элатларнинг муштарак иқтисодий мақсадлари ҳамда манфаатларни асосида кўпдан бери тарихи топган ягона хўжалик организмидир». Бу организмнинг «аъзолари» 50 мингга яқин завод-фабрика, кон, карьер, шахта, электростанция ва бошқа саноат корхоналари, 34 минг колхоз, 15 минг совхоз, шунингдек, минглаб қурилиш, транспорт ва алоқа корхоналаридир.

Ўтган ярим аср мобайнида рўй берган чуқур ва ҳар томонлама социал-сиёсий ўзгаришлар асосида жамиятимиз сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарилди. Улуғ Ленинимиз социализм «Инсоният ҳаётининг янги, олий формаларини ижод қилади...» (Асарлар, 21-том, 26-бет) деган башорати юзага чиқди: мамлакатимизда одамларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқи вужудга келди. «Бу бирлик,—деб таърифлайдн ўртоқ Л. И. Брежнев,— мамлакат ҳаётида ҳам моддий, ҳам маънавий соҳаларда рўй берган чуқур объектив ўзгаришлар, мамлакатимизда социалистик миллатлар вужудга келиб, ривожланганлигига, улар ўртасида янги типдаги муносабатлар таркиб топганлигига асосланади».

Монолит бирликдан иборат бўлган совет халқи ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий мулкчилик, иқтисодий, социал-сиёсий ва маданий ҳаётнинг, марксизм-ленинизм идеологияси, ишчилар синфи манфаатлари ва коммунистик идеалларнинг бирлиги негизида шаклланди.

Интернационализм ва демократик централизм принципларига мувофиқ қурилган кўп миллатли иттифоқ давлатини барпо этиш ва ўни ривожлантириш тажрибаси марксизм-ленинизмнинг миллий масала фақат жамиятни социалистик жиҳатдан қайта қуриш асосидагина изчил ҳал этилиши мумкин, деган хулосасини ёрқин исботлаб берди.

Миллий зулм ва тенгсизликнинг ҳамма оқибатларини бартараф этиш учун адолатли қонунлар қабул қилишнинг ўзи кифоя қилмас эди. Илгари эзилиб келган миллатлар ва элатларнинг иқтисодий ва маданий қолоқлигига барҳам бериш зарур эди. Шу сабабли миллатларнинг ўтмишдан сарқит бўлиб қолган ҳақиқий тенгсизлигини тугатиш вазифаси партиянинг асосий сиёсий мақсадларидан бири бўлди.

Партия Ленин ташаббуси билан миллий чекка ўлкаларни иқтисодий, маданий ва социал-сиёсий жиҳатдан жадал ривожлантиришни амалга оширди. Бу сиёсат мамлакатнинг бир мунча ривожланган районлари ва аввало рус халқи, унинг ишчилар синфининг ҳар томонлама катта ёрдами асосида рўёбга чиқарилди. Рус ишчилар синфи, рус халқи бу билан ўзининг Ленин васият қилган олий интернационал бурчини шараф билан бажарди. «Аслида бу,— деди ўртоқ Л. И. Брежнев,— бутун бир синфнинг, бутун бир халқнинг интернационализм йўлида кўрсатган шонли жасорати бўлди. Ватанимизнинг ҳамма халқлари ана шу жасоратни ҳеч қачон унутмайдилар».

Ўтган ярим аср мобайнида ўтмишдан мерос бўлиб қолган миллий масала қаҳрамонона ишлар натижасида тўла-тўкис, батамом ва узил-кесил ҳал этилди. «Бу — ССССРда янги жамият қуришда индустриялаш, коллективлаштириш, маданий революция сингари ғалабалар билан ҳақли равишда бир қаторга қўйиш мумкин бўлган ютуқдир». Миллий масалада мамлакатимиз эришган одамшумул-тарихий зафарлар юбилейга бағишланган тантанали қўшма мажлисда қилинган докладда биринчи марта ана шундай чуқур илмий таърифлаб берилди.

КПССнинг ленинча доно миллий сиёсати туфайли мамлакатимиздаги бир қанча миллатлар капиталистик ривожланиш босқичини четлаб, социализмга ўтишдан иборат Ленин кашф қилган йўлдан тараққий этишга муваффақ бўлдилар. Халқлар капитализмдан аввалги муносабатларининг қайси босқичида турган бўлмасинлар, улар ғолиб социализм кучлари ёрдамида ривожланган социалистик жамият қуришлари мумкинлиги тарихда биринчи марта амалий равишда исбот қилинди.

Совет халқларининг иқтисодий ва маданий ривожланиш даражасидаги тенгсизликни тугатиш, ҳар бир совет миллати ва элатининг хўжалик ва социал ҳаётини ҳар томонлама оғишмай юксалтириш, илмий ва техника тафаккурини, маънавий социалистик ва шаклан миллий маданиятни равнақ топтиришнинг энг ибратли мисоли сифатида Совет Ўзбекистонини кўз олдимизга келтиришимиз мумкин. «Кеча билан кундуз бир-биридан қанчалар фарқ қилса,— дейди ўртоқ Ш. Рашидов,— ҳозирги Ўзбекистон ҳам собиқ мустамлака Туркистонидан шунчалик фарқ қилади» («Интернационализм байроғи остида». «Ўзбекистон коммунисти» № 11—12. 1972, 65—66-бетлар).

Бундай кескин ўзгаришлар Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикаларининг ҳаммаси учун ҳам характерлидир. Чор Россиясининг фесдал ва ярим феодал чекка ўлкалари ўрнида эндиликда кўп сонли саноат ва маданият марказлари, обод шаҳар ва қишлоқлари бўлган қудратли социалистик республикалар гуллаб-яшнамоқда.

Бутун мамлакат бўйича эришилган муваффақиятлар ва ҳар бир республиканинг зафарлари — булар ижтимоий ва давлат тузумимизнинг тарихий ғалабаларидир. У ёки бу республика, область ёки ўлка маълум маҳсулот етиштиришда йирик ишлаб чиқарувчига айланган экан, бу муайян республика, ўлка ва область ишчилари, колхозчилари ва зиёлиларининг муваффақиятигина бўлиб қолмай, балки барча совет халқининг меҳнати натижасидир. ССРдаги барча миллат ва элатларнинг сиёсий, социал-иқтисодий ва гоявий бирлиги, монолитлиги, интернационал жипслиги ушбу ютуқлар манбаи ва таровидир.

Барча иттифоқдош республикалар, шу жумладан Ўзбекистонимиз хўжалик соҳасида эришган гоят катта муваффақиятлар, маданиятни равнақ топтиришда қўлга киритилган ютуқлар совет халқи бутун қардошлик оиласининг меҳнати ва бегараз ёрдами билан ниҳоятда боғлиқдир.

Масалан, Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳолати республиканинг ўзидаги пахта ҳосилигагина эмас. Урал ва Ленинград машинасозларининг, Кузбасс шахтёрларининг, Қозоғистон таллакорларининг, Белоруссиядаги электрон-ҳисоблаш машиналари ишлаб чиқарувчиларининг ишига ҳам боғлиқдир. Ўзбекистон ҳар йили бошқа қардош республикалардан металл, технология ускуналарининг ўнларча хилини, металл қирқувчи станоклар, автомобиллар, тракторлар, экскаваторлар, троллейбуслар, трамвайлар, темир йўл вагонлари, тепловозлар, миллион тонналаб кўмир ва кокс, ёғоч материаллари, шунингдек катта миқдорда дон, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ва пойафзал, газлама ва трикотаж буюмлар, радиоприёмник ва телевизорлар, холодильниклар, мебель ҳамда бошқа саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олмоқда. Ўзбекистон меҳнаткашлари эса қардош республикаларга пахта ва экскаваторлар, дизель ва насослар, шойи ва цемент, тўқимачилик машиналари ва компрессорлар, табиий газ, пахтачилик эҳтиёжи учун машиналар ва металлар, мева ва канон-жут етказиб берадилар.

Ҳозирда ССРдаги бирон миллат, бironта республика коммунизмнинг моддий-техника базасини барпо қилиш борасидаги улкан вазифаларни фақат ўз кучлари билангина ҳал қила олмайди. Масалан, Тошкент электротехника ва кабель заводлари 100 та корхона билан яқиндан ҳамкорликда ишлайди. Тошкент авиация заводига эса бошқа иттифоқчи республикаларнинг 400 га яқин корхонаси турли деталлар етказиб беради. «Главголодностепстрой» системасида 50 дан ортиқ миллатга мансуб бўлган 26 мингдан зиёд киши меҳнат қилаётир. Бу ташкилотга қардош республикаларнинг барчасидан асбоб-ускуналар келиб туради.

Ҳозирда ССРда ўз меҳнати самараларини ўзаро баҳам кўрмаётган, барча қардош республикаларда яратилаётган маҳсулотлардан фойдаланмаётган бironта ҳам иттифоқдош республика йўқ. Амалда воқе бўлаётган социалистик интернационализм ана шундан иборат.

ССРда халқларнинг мустаҳкам иқтисодий алоқалари, хўжалик ҳамкорлиги ва қардошларча ўзаро ёрдами социализмнинг объектив қонунияти эканлиги кашф этилди. Бу қонуниятнинг амал қилиши барча иттифоқдош республикалар равнақ топишининг ва умуман мамлакат қудрати ўсишининг энг муҳим омилидир.

КПСС XXIV съездида таъкидланганидек, ўтган йилларда партия раҳбарлигида қардош совет республикаларидан ҳар бирини ҳар томонлама ривожлантириш йўлида, мамлакатимиздаги миллатлар ва элатларни бир-бири билан аста-секин яқинлаштириб бориш йўлида янги қадамлар қўйилди. Бу яқинлашув миллий хусусиятларни эътибор билан ҳисобга олиш, социалистик миллий маданиятларни ривожлантириш жараёнида содир бўлмоқда. Бутун иттифоқимизнинг муштарак манфаатларини ҳам, ундаги ҳар бир республиканинг манфаатларини ҳам доим ҳисобга олиб, барча социалистик миллатларнинг янада гуллаб-яшнашига ва бир-бирлари билан тобора яқинлашувига иззиллик билан ҳаракат қилиш— миллий масалада партиямиз сиёсатининг моҳияти ана шундан иборатдир.

Партиямиз ҳозирги босқичда барча меҳнаткашларни совет ватанпарварлиги, социалистик Ватан учун, совет халқининг буюк бунёдкорликлари учун фахрланиш руҳида, интернационализм руҳида, миллатчилик, шовинизм ва миллий маҳдудлик қўринишларига муросасиз бўлиш руҳида, барча миллатлар ва элатларни ҳурматлиш руҳида тарбиялашга катта аҳамият бермоқда. Бу соҳада партия ташкилотлари, кўп миллионли коммунистлар армияси олиб бораётган сиёсий-тарбиявий ишлар халқлар интернационал бирлигининг рамзи — Совет Социалистик Республикаларининг Иттифоқини, бебаҳо бойлигимиз — халқлар ленинча дўстлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаверади.

Т. НАЖМИДДИНОВ,
тарих фанлари кандидати.

БЕШЙИЛЛИК МЕҲНАТ ВАХТАСИДА



Ангрен керамика комбинатининг меҳнатсеварлари йил сайин рўзғор буюмларини ҳам кўплаб ишлаб чиқармоқдалар. Иноқ коллектив 1973 йилда бундай маҳсулот тайёрлашни янада кўпайтиради. Суратда: техник контролёр Валентина Бугаева янгигина тайёр бўлган гулдон сифатини қўздан кечирмоқда. В. ЛЕЙЗЕРОВИЧ фотоси, (ЎзТАГ).

СЕРКУЁШ РЕСПУБЛИКАМИЗДА

ЧЎЛДА ЗАВОД

КОМСОМОЛОБОД (Сурхондарё области). (ЎзТАГ мухбири). Шеробод чўлида қурилаётган ремонт-экскаватор заводида машина ускуналар монтаж қилина бошлади. «Ўзсельстройдеталь» трести системасида экскаваторларни ремонт қилувчи шу биринчи корхона Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министрлиги барча бўлинмаларининг буюртмаларини бажариб туради. Завод лойиҳага кўра, йилига 3 миллион сўмлик ремонт ишларини бажармоғи керак.

Завод йил ўрталарида ишга тушади.

ЯНГИ ДАРЁ ТАЙЁР

УРГАНЧ. (ЎзТАГ мухбири). Янги дарё Хоразм область деҳқончилигининг хизматига тайёр. «Хорезмсовхозводстрой» трести секундига 35 кубометрлик бирлаштирувчи канални қуриб битказди. Бу канал Ҳазорасп районидаги салкам 20 минг гектар экинзорга об-ҳаёт беради.

Янги сув манбаи тўққизта ариқни битта системага бирлаштирди. Илгари шу ариқлардан ҳар бирининг ўз бош иншооти бўлиб, бу ҳол уларни ишлатишни қийинлаштирар эди. Энди, автоматикани жорий этиб, канални реконструкция қилиш натижасида бутун системани бошқариш анча осонлашди. Бунинг устига сувнинг исроф бўлиши жуда камаяди.

Бу ишлар қадимий Хоразм воҳасининг бутун ирригация тармоғини қайта қуриш билан боғланган. Ҳозир яна икки район — Гурлан ва Янгиариқда ирригация тармоқларини қайта қуриш ишлари олиб борилмоқда. Амударёда қурилаётган Туямўйин гидроузели қуриб битказилгунга қадар Хоразмнинг ирригация тармоғи бутунлай янгиланиб, азим дарё сувини қабул қилиб олишга шайланиб туради.

УРУҒЛИК ЖЎНАТИШ БОШЛАНДИ

ТЕРМИЗ. (ЎзТАГ). Ўзбекистоннинг жанубидаги пахта заводлари уруғлик жўнатишга киришдилар. Ингичка толали «5904—И» ва ўртача толали «138—Ф» навли пахта уруғларининг дастлабки минг тоннаси Термиз ва Шеробод районларининг тайёрлов пунктига келтирилди. Бу уруғлик экиш бошланиши олдидан колхоз ва совхозларга тарқатилади. Уруғлик жўнатилишидан олдин ғўза касалликларга чалинмаслиги учун химиявий дорилар билан дориланади.

ЮКСАК МАРРАЛАР

АНДИЖОН. Володарский номли Андижон тикувчилик фабрикасидаги 550 ишчи хотин-қизнинг ҳаммаси беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини ошириб бажариш юзасидан ўз зиммасига шахсий мажбурият олди. Илғор тикувчилардан Мария Фаличева, Берганой Сандова, Райса Аҳмадова, Мария Кирчан ва бошқалар беш йиллик топшириғини уч йилда бажаришга қарор бердилар. Буларнинг ҳар бири шу йилнинг ўзида икки шогирдни мустақил ишлашга тайёрлаш мажбуриятини олди. Фабрика коллективи Тошкент ва Марғилон илғор тўқимачиларининг даъватига ана шундай жавоб қайтармоқдалар.

(ЎзТАГ).

СССРНИНГ 50 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ЎРГАНУВЧИЛАРГА ЁРДАМ

ҚАРДОШЛИГИМИЗ МУСТАҲКАМ

(Бошн 1-бетда).

Бизнинг областимиз колхоз ва совхозларининг меҳнатчилари ҳам ўтган йили бир қанча областлар, ўлкалар ва республикалар қишлоқ хўжалиги ходимлари билан биргаликда об-ҳаво шароитлари қийинчиликларини бартараф эта билиш имтиҳонидан ўтдилар. Улар ишчилар синфи ёрдамида айрим хўжаликлардагина эмас, умуман районларда ҳам дон экинларидан дурустгина ҳосил олинган йиллардаги каби ҳосил етиштирдилар ва йиғиштириб олдилар, гўшт, тухум ва жун тайёрлаш йиллик планларини бажардилар, жамоат фермаларидаги қорамол туёғини кўпайтирдилар.

Лекин бугун шу гапни ҳам чин кўнгилдан айтиб ўтмоқчиманки, иқлим жиҳатидан ноқулай келган ўтган йил мамлакатимиз халқлари ўртасидаги дўстлик нақадар мустаҳкам эканлигини яна бир карра яққол исботлади.

Асл дўст кулфатда синалади, деган гап бор. Ўзбекистондаги, Белоруссиядаги ва мўл ҳосил етиштирилган бошқа республикалардаги дўстларимиз ана шу қийин дамларда бизга сабзавот, картошка, мева ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериб ёрдам қилганликлари, ўз бисотларидаги ҳамма нарсани биз билан қардошларча баҳам кўрганликлари гоят рамзий бир ҳолдир.

Ҳақиқий дўстлик мана шундай бўлади, қардошларча социалистик ёрдамлашиш ва кўмаклашиш мана шундай бўлади! Ана шу катта ёрдам учун сиз, азиз ўртоқларга, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, республика Министрлар Советига Иваново областимизнинг ишчилари номидан, барча меҳнаткашлари номидан самимий раҳмат айтамиз.

Шуни тўла асос билан айта оламизки, биз ўз муваффақиятларимизга кўп жиҳатдан серқуёш Ўзбекистон меҳнаткашлари билан социалистик мусобақани кенг кулоч ёздиришга туфайли эришдик, бу мусобақанинг якунида рус ва ўзбек халқлари ўртасидаги, кўп миллатли ватанимизнинг барча халқлари ўртасидаги дўстлик ғалаба қилади.

Ўттизинчи йиллардаёқ ўзбек пахтакорлари билан рус тўқимачилари ўртасида — ота-боболаримиз ўртасида тузилган «минглар шартномаси» эндиликда янги куч касб этди. Ишчилар билан колхозчилар бу мусобақага фан-техника революциясининг ҳозирги босқичига муносиб келадиган янги мазмун киритдилар. Ленин номли колхоз раиси Назира Пўлдошева билан машҳур тўқувчи Зоя Пухова — ана шу икки ажойиб аёл Ўзбекистон ва тўқимачилик ўлкаси меҳнаткашлари номидан бу аҳдномага имзо чекканликлари унутилмас воқеа бўлди. Уларнинг никкалови — СССР Олий Советининг депутатлари бўлиб, Совет ҳокимияти йилларида ҳамма ҳуқуқларни олган ва эркин, меҳнат нашъасини сураётган рус ва ўзбек аёлларининг тақдири тимсолидир

Бизнинг тўқимачилар ўлкамизда интернационал қардошликнинг муқаддас қонунлари ва анъаналарини ҳар бир киши қадрлайди.

Ҳозир барча совет кишилари қатори орденли Иваново областининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари ҳам ягона бир муддао билан — партия XXIV съезди, КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми ўртага қўйган вазифаларни қандай қилиб яхшироқ бажариш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш асосида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳар томонлама оширишга эришиш иштиёқи билан меҳнат қилмоқдалар.

Марказий Комитетнинг область экономикасини ривожлантириш тўғрисидаги, одамларнинг моддий фаровонлигини ошириш тўғрисидаги доимий ғамхўрлигини сезиб турган ивановоликлар беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йилида зўр ғайрат билан, яхши кайфият билан ишламоқдалар.

Область меҳнаткашлари ватанпарварлик ва интернационализмнинг юксак ҳис-туйғулари, ватанимиз қудратини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиш истаги билан қўраи авж олиб кетди.

Бизнинг областимизда юбилей йилида биринчи беш йилликларнинг қаҳрамонлари — Вичуга тўқимачиларидан кўп станокчи Мария Евдокия Виноградовалар номидаги мукофотларни олиш мусобақаси бошланганлигини шу ерда ўтирган ивановоликлар кўпчилиги яхши билишади. Қардош Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг шу ерда ҳозир бўлган энг яхши вакиллари — Фарғона тўқимачилик комбинатининг ип йигирувчиси Хайрихон Тиллабоева билан Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Лидия Павловна Казанцева ҳам ивановолик тўқимачилар билан бирга ана шу мукофотларнинг лауреатлари деган номга сазовор бўлганликлари билан фахрланамиз. Ана шу ажойиб меҳнаткаш аёлларни яна бир марта чин кўнгилдан табриклаб, уларга беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йилидаги социалистик мусобақада янгидан-янги муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Дўстлигимизни янада мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида биз меҳнат эстафетасини янги авлоднинг ёш ишчиларига топшириш рамзи бўлган ана шу ажойиб ҳаракатни янада ривожлантириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Ўртоқлар! Биз беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йилида сал кам икки ойдан бери ишлаб, меҳнат қилмоқдамиз. Ўз анъаналарига содиқ бўлган ивановоликлар январь ойида оширилган планларни муваффақиятли равишда бажариб, шу планлардан ташқари ватанга 2,5 миллион сўмликдан кўпроқ турли маҳсулот берганликларини қувонч билан маълум қиламиз. Авваллги йилларда бўлгани каби ишлаб чиқаришнинг қўшимча резервларини аниқлаш, меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялаш, Иваново тўқимачилари билан Ўзбекистон пахтакорлари ўртасидаги социалистик мусобақани авж олдириш ишига область партия ташкилотининг бутун фаолиятида жуда катта аҳамият берамиз.

Шу сабабли РСФСР Олий Советининг депутати, Иваново Меланж комбинатининг ип йигирувчиси Анастасия Федоровна Ерофеева ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, «Шуйский пролетарий» фабрикасининг мастер ёрдамчиси Александр Иванович Никитинлардан иборат делегациямиз Иваново ва Тошкент областлари меҳнаткашлари ўртасида социалистик мусобақа бошлаш тўғрисида шартнома тузиш ҳақида бу ерда айтилган таклифни тўқимачилик ўлкасининг барча меҳнаткашлари номидан зўр мамнуният билан қўллаб-қувватлайди. Биз шунга гоят аминмизки, бу шартнома беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йили топшириқларини муваффақиятли бажаришга кўмаклашади, дўстлигимизни янада мустаҳкамлайди.

Дўстимиз мададини сезиб турган кишининг иши доимо юриша беради, кайфияти ҳам яхши бўлади. Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас дўстлиги абадий яшасин ва мустаҳкамланаверсин! Мамлакатимизни коммунизм ғалабаси сари элтаётган шонли Коммунистик партиямиз, унинг КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитети яшайверсин! (Қарсаклар).

ИЛҒОР ЧЎПОН АХДИ

Азим РАҲМОНОВ Оҳангарон районидаги «Олмалиқ» совхозининг пешқадам чўпонларидан. У бу йил юз совлиқдан 125 тадан кўзи олишга сўз берган. Шу билан ҳар бир қўйдан 2,2 килограммдан жун қирқиб олишга қарор қилган. Илғор чўпон ҳозирги кунларда қўйларни яйловларда тўйдириб боқмоқда. Суратда: А. Раҳмонов.

И. Зайниддинов фотоси.



ЧОРВАЧИЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

«Ленин йўли» колхози чорвачилигида катта муваффақиятларга эришмоқда. Бу ҳақда сут-товар фермасининг мудири Ҳомди Аловутдинов бундай деди:

— Биз молларнинг зотини яхшилашга жиддий эътибор бермоқдамиз. Пландаги 128 ўринга 150 бош бузоқ олдик. Сут согувчиларимиз ўз боқимидаги сигирлардан серқаймоқ сут согиб олиш билан бирга янги туғилган бузоқларни ҳам яхши парвариш қилмоқдалар.

Бу колхознинг сут товар фермасида кўплаб меҳнатсевар соғувчилар меҳнат қилмоқда. Анор Усмонова ана шулар жумласидандир. Анорхон фермада ўн беш йилдан бери хизмат қилиб, бу йиллар ичида у кўп шогирдлар тайёрлади. Уларга сигир согишдаги иш тажрибаларини ўргатди. Натижада унинг Г. Миронова, М. Грачева ва С. Содиқова сингари шогирдлари ҳам бир сигирдан икки минг килограммдан сут согиб олишга эришдилар.

Ферма юлдузи Анор Усмонова эса 12 бош сигирнинг ҳар биридан 2,5 минг килограммдан зиёд сут согиб олди. Шунинг учун ҳам Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

— Мен, — дейди Анор опа, — бу йил ўз боқимимдаги сигирлардан уч минг килограммдан сут согиб олиш мажбуриятини олиб, ҳозир кунига ҳар бир сигирдан 10—12 килограммдан сут согиб олаяпман. Яқинда сут согиш бўйича белгиланган февраль ойи планини ҳам ортиғи билан адо этдим.

Бу йил меҳнатсевар колхоз чорвадорлари янада катта зафар қучиш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Чорва қишловини муваффақиятли ўтказиб, йил охирига қадар ҳар бир сигирдан икки ярим минг килограммдан сут согиб олиш учун ўзаро мусобақани тобора авж олдирмоқдалар. Улар шу райондаги Ҳамза номли колхоз чорвадорлари билан мусобақалашишган. Ҳозир ҳар икки хўжалик чорвадорлари бир-бирларидан қолишмай фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

З. ОТАХОНОВ.
Бўка райони.

РЕЗЕРВЛАРДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Ўтган хўжалик йилида бу колхоз аъзолари ҳам бирмунча ютуқларни қўлга киритдилар. Умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб меҳнат қилган пахтакорлар ота-Ватанга пландагидан 359 тонна кўп, яъни 2919 тонна пахта етказиб бердилар.

Илғорлар тажрибасини қўллаб, меҳнатни намунали ташкил этган И. Маҳмудов, Қ. Турғунов Арзиқулов сингари ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳар гектаридан 28, 30 центнерга етказиб ҳосил олинди. Улар дала ишларини ўз вақтида ўтказганликлари, деҳқончилик маданиятини юксалтириб бораётганликлари туфайли шундай ютуқларга эришдилар.

Етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишда терим машиналарининг хизмати ҳам бирмунча катта бўлди. Илғор механик-ҳайдовчилардан И. Мартенко, Рустам Мамутов, Исмоил Арслонов, Тўхтапўлат Хўжамқулов каби ўртоқлар хирмонга 121—173 тоннадан пахта тўкдилар.

Хўжаликда сабзавот, полиз, картошка, галла, гўшт, сут, тухум планлари ҳам анча ортиғи билан бажарилди.

Ҳисобот доклади қилган колхоз раиси **А. Иномов** ва музокарада сўзга чиққан ўртоқлар ютуқлардан кўра кўпроқ камчиликлар, фойдаланилмаётган резервлар ҳақида сўзладилар.

Дарҳақиқат Бўка районидаги Мичурин номли колхозда резервлар анчагина бор.

Хўжаликда ишлаб чиқариш планлари барча соҳалар бўйича бажарилгани билан лекин даромаднинг тақсимоти қўнгилдагидек бўлмади.

Бунга сабаб шуки, айрим бригадаларда, фермада ишлар малакали ташкил этилмади. Турли хил харажатлар кўпайиб кетди.

Машина теримига ажратилган далаларда дефолиация ишлари ўтказишда илғор усуллар қўлланилмаганлиги туфайли бу соҳага 20 минг сўм ҳаражат қилинди. Четдан терим ишларига жалб қилинган ёрдамчиларга 105 минг сўм сарф қилинди. Илғор механик-ҳайдовчилар машинада 120—150 тоннадан пахта тергани ҳолда айрим механик-ҳайдовчилар 50—60 тоннага етказиб пахта тердилар. Қўшни хўжаликларда мавжуд терим машиналарининг ҳар бири билан ўртача 100 тоннадан ошириб пахта терилгани ҳолда, бу хўжаликда 78 тоннадан пахта терилди.

Ҳосилдорликни оширишда ҳам бир қатор резервлар бор.

Хўжалик ҳосилдорлик жиҳатдан район, область даражасидан орқада қолмоқда. Чунки мавжуд имкониятлардан яхши фойдаланилмади. Ернинг шўрини ювиш, маҳаллий ўғитдан фойдаланиш, экиш билан бирйўла далаларга азот ўғитни солиб кетиш каби ишлар малакали ўтказилмади. Оқибатда айрим бригадаларда ҳосилдорлик пасайиб кетди. Пахтанинг сорти ҳам талабга жавоб бермай қолди. Колхознинг ўртоқ Тоғаев бошлиқ бригадасидаги ишлар бунга мисол дир. Бу бригадада ҳар гектаридан 19,6 центнердан ҳосил олинди. Бир центнер пахтанинг таннархи салкам 37 сўмданга тўғри келди.

Чорвачилик соҳасида ҳам ана шундай резервлар бор. Гарчи бу соҳада белгиланган планлар бажарилган бўлса ҳам лекин чорвачилик зиён келтирмоқда.

Сўзга чиққан нотиқлар чорвачиликни рентабелли соҳага айлантириш учун энг аввало сигирлар зотини яхшилаш, ем-хашакни қўплаб жамғариш, механизацияни кенг қўллаш зарурлигини уқтирдилар.

Беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида пахта, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, меҳнат кунларининг қадрини кўтариш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш учун нималарга эътибор бериш кераклиги юзасидан бир қатор фойдали мулоҳазаларни ўртага ташладилар.

Бригада бошлиғи **Эрмакбой ака Расулов** ҳам мутахассисларнинг ролига, кадрларни тарбиялашга эътибор берди. Колхозимизда, деди у, қишлоқ хўжалиги институтини битирган олий маълумотли мутахассислардан уч киши бор. Лекин улар ўз мутахассисликлари бўйича эмас, бошқа соҳаларда ишлаб юрибдилар.

Колхозчи, бригада бошлиғи **Маннон Аширалиев** сифат масаласига алоҳида эътибор берди. Биз, деди у, ҳар қандай йўл билан планни бажариш учун ҳаракат қилишимиз керак эмас, ишнинг кўзини билиб, ажратилган маблағлардан, техникадан моҳирона фойдаланиб, тежамкорлик билан фойдаланишимиз лозим. Ҳар бир қарич ер фойда келтириши керак. Ана шунда бажарилган планларнинг қадри ошади.

Механизатор қиз **Холбуви Йўлдошева** ўз сўзида терим техникасидан фойдаланишнинг унумдорлигини ошириш ҳақида тўхталди. Бунинг учун,— деди у,— техникани сақлашга алоҳида эътибор бериш керак. Ремонт ишларини ўз вақтида сифатли ўтказиш лозим. Мен 1971 йилда ўз машинам билан 66 тонна, ўтган йили эса 98 тонна пахта тердим. Бу йил 50 гектар ер ажратиб олдик. Ана шу ерда механизацияни кенг қўлланиб ишлаймиз. Ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил йиғиб олиш учун ҳаракат қиламиз. Машинада 150 тонна пахта теришга аҳд қилдим.

Хўжаликни юксалтириш, даромадларни кўпайтириш, қишлоқни янада ободонлаштириш — бу кўпчиликнинг, ҳар бир мутахассис, ҳар бир колхозчи, ҳар бир чорвадор, қишлоқдаги ҳар бир касб эгасининг бурчидир. Ана шунинг учун ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилиб ишлайлик, резервлардан унумли фойдаланайлик. Бу соҳада илғор тажрибаларни қўллайлик. Хўжаликни моҳирона юритаётган қўшниларимизнинг тажрибасидан ўрганайлик. Мўл ҳосил етиштириш, чорвачиликни ҳам рентабелли соҳага айлантириш учун зарур тадбирларни амалга оширайлик. Йиғилишда бу сўзлар алоҳида таъкидланди.

Ҳисобот йиғилиши ўз-ўзини танқид руҳи остида ўтди. Қўклам дала ишларини муваффақиятли ўтказиш юзасидан тадбирлар белгилаб олинди.

Н. РИХСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

КОЛХОЗЛАРДА ҲИСОБОТ ЙИҒИЛИШИ

Қўклам тараддуди

Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XXII съезди» колхозида шу кунлари янги ҳосилга пухта тайёргарлик қўрилмоқда. Техника сифатли ремонт қилиб қўйилди. И. Эргашев, М. Исмоилов, Э. Қўзибоев каби механизаторлар ремонт ишида фаол иштирок этишди.

Шу кунгача далага 200 тоннадан зиёд маҳаллий ўғит сепилди, 300 тонна селитра, 200 тонна фосфор чиқарилди. Б. Бойхонов, Ж. Набиев, Ю. Эшматов, Х. Жўраев каби ўртоқлар қишки ишларни намунали олиб боришмоқда. Ариқ-зовурлар тозаланади, дўнглик ерлар текисланиб экин майдонига қўшилди.

А. ҚОДИРОВ.

Дунё ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

ТЕҲРОН, 20 февраль. (ТАСС). Совет-Эрон иқтисодий ва техникавий ҳамкорлиги ҳар икки мамлакатга катта-катта фойда келтириб муваффақиятли ривожланиб бормоқда. Масалан, чегарадаги Аракс дарёсида гидротехника комплекси қурилиши, Озарбайжон ССРнинг қуруқ районларини сув билан таъминлашни яхшилашга, пахта ҳосилини оширишга ва Нахичевон АССРдаги бир қанча шаҳар ва қишлоқларни арзон электр энергияси билан таъминлашга ёрдам берди.

Эроннинг Решта шаҳри яқинида СССРнинг ёрдами билан қурилган балиқ уруғитувчи корхона ишлай бошлаганига уч йил бўлиб қолди. Корхона ҳар йили Каспий денгизига 5 миллионта чамаси осетр зот балиқчаларини қўйиб юбормоқда. Эронда Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилаётган неча ўнлаб саноат объектлари орасида Исфаҳон металлургия заводи (шахта ва конлари билан), Арак машинасозлик заводи, трансэрон магистрал газ қувури, 30 дан ортиқ элеватор, уйсозлик комбинатлари, ўқув марказлари ва кўпгина бошқа иншоотлари бор.

Эрон СССРга трикотаж, пойафзал, кир ювиш воситалари, қуруқ мева, шунингдек қимматли руда хомашёлари-қўрғошин, рух концентратлари каби маҳсулотлар юбормоқда. Совет закавказьеси республикаларига Эрондан қувур орқали табиий газ келиб турибди.

Эрон шаҳаншоҳи Муҳаммад Ризо Паҳлавий расмий визит билан Совет Иттифоқига келганда 1972 йилнинг октябрида Москвада имзоланган СССР билан Эрон ўртасида иқтисодий ва техникавий ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги 15 йил муддат билан ғузилган шартномада икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш катта истиқболларни акс эттирилган.

ҚОН ТЎКИШДАН БОШ ТОРТИБ

ПАРИЖ, 20 февраль. Жанубий Вьетнам Республикаси мудофаа революцион ҳукумати делегациясининг бу ерда тарқатган озодлик матбуот агентлиги ахборотида айтиладики, 28 январдан кейин Сайгон районида жойлашган 21-жанубий Вьетнам дивизияси солдат ва офицерларидан мингдан ошиқ киши армиядан қочган.

Ахборотда айтилишича, ушбу дивизиянинг солдат ва офицерлари Вьетнамда урушни тўхтатиш ва тинчликни тиклаш тўғрисида Парижда имзоланган битим мазмунидан хабар топгач, Жанубий Вьетнамнинг ватанпарварлар озод қилган районларини босиб олиш операцияларида қатнашишдан бош тортиб, казармаларини ташлаб кетганлар.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

АККРА, 19 февраль. Бугун Гана пойтахтида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Африка учун тузилган иқтисодий комиссиясида аъзо бўлган мамлакатлар министрларининг 2-конференцияси очилади. Конференцияда қитъадаги 30 га яқин мамлакат, шунингдек бир қанча халқаро ташкилотларининг вакиллари қатнашадилар. Конференция делегатлари Африкадаги мустақил мамлакатларнинг иқтисодий тараққиётига доир муҳим масалаларни муҳокама қиладилар, кейинги йилларда бу соҳада қилинган ишларни якунлайдилар, тараққиёт йўналишларини ва иқтисодий қурилиш соҳасидаги вазифаларни белгилайдилар.

Конференция кун тартибида Африка мамлакатларининг Европа иқтисодий уюшмаси билан ўзаро муносабатларига доир масалалар ва ғарбдаги янги валюта—молия кризиси масалалари ҳам бор.

●

ДЕҲЛИ, 19 февраль. Ҳиндистоннинг план комиссияси Ҳиндистоннинг жанубидаги Тамилнаду штатида қуриладиган гидроэнергетика комплекси лойиҳасини маъқуллади. Бу лойиҳага мувофиқ, ҳар бири 100 мега ватт қувватли тўртта электр станциясини қуриш ва қишлоқ районларига электр линияларини ўтказиш кўзда тутилади. Бу лойиҳанинг амалга оширилиши штатнинг қишлоқ районларини электрлаштиришга муҳим ҳисса қўшади ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта ёрдам беради.

●

БЕРЛИН, 19 февраль. Финляндия—Германия Демократик Республикаси жамияти ва Германия Демократик Республикасининг шимол мамлакатлари билан дўстлик жамияти ўртасида имзоланган ва 1973 йилга мўлжалланган битимдан кузатилган мақсад — ГДР билан Финляндия ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилиши натижасида вужудга келган янги имкониятлардан ҳар иккала мамлакат халқларининг ҳамкорлигини кенгайтириш ва дўстлигини мустаҳкамлаш учун кўнгилдагидек ёрдам беришдан иборат.

ТАЖРИБА АЛМАШДИЛАР

Оҳунбобоев номли колхоз гараж и бугун ҳар қачонгидан гавжум. Район колхоз, совхозларидан механиклар, устахона мудирлари, бош инженерлар колхоз механизаторларининг техникани сақлаш ва ундан фойдаланишдаги тажрибаларини ўрганиш учун бу ерга келишди. Колхоз раиси Мирзиз Рўзиматов, бош инженер Тян Падади меҳмонларни устахонага бошлаб киришди. У ерда машина детали ва запас қисмлар тартибли равишда териб қўйилган, мойланган. Ҳамма ёқ озода, ҳар бир нарса ўз ўрнида. Ундан нариги хонада ремонтдан чиқарилган чопиқ трактори, культиватор, сеялкалар тахт қилиб қўйилган.

— Колхозимизда,— дейди М. Рўзиматов,— техника ремонти ҳар йили 1 декабрдаёқ тамомланади. 10 декабрдан қолдирмай механиклар колхоз бухгалтериясига ремонтнинг тугагани ҳақида рапорт беради. Йиллик ҳисобот шунга қараб тузилади.

Слесарь, токарь ва электрлайвандчилар ишлаб турган хона ҳам сараиком-саришта. Аккумуляторларни ремонт қилиш цехида олиб борилаётган иш ҳам мага маъқул бўлди. Ремонт қилинган аккумуляторлар номерланиб, пештахталарга териб қўйилган. Ремонтчилар бир-бирлари билан мусобақалашиб меҳнат унумдорлигини оширмоқдалар.

Ремонтчилар учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Ҳар бир иш ўрнига слесарь, токарь ва бошқа ремонтчининг исми ва фамилияси ёзиб қўйилган.

Мана, дам олиш зали. Газета ва журналлар, телевизор, радиоприёмниклар бор. М. Рўзиматов кадрлар билан ишлаш ва уларни тарбиялаш ҳақида ҳам сўзлаб берди.

Колхозда тежаб қолинган маблағ ҳисобига қиш ойларида механизаторларга ҳар куни бир маҳал бепул сифатли иссиқ овқат қилиб берилади. Ҳар йили 8—10 кишини «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасига ўқишга юборилади. Курсни битириб келиши билан уларга дарров трактор тутқазилмайди. Ўқишдан келган киши бир йил шогирд ёки слесарь бўлиб ишлаши керак. Кейин устоз мустақил ишласа бўлади, деб бош инженерга справка бергандан кейингина унга трактор биркитилади.

— Бизда,— деди сўзини давом эттириб ўртоқ М. Рўзиматов,— тежамкорликка айниқса катта эътибор берилади. Колхозимиз 1970 йили мавжуд 109 та техникани ремонт қилишга 45 минг 400 сўм ҳаражат қилган бўлса, 1971 йили 23 мингг 574 сўм, 1972 йили эса 20 минг 682 сўм сарфлади. Бир тракторнинг ремонти учун 273 сўм сарфланди. Биз колхозимизда ўз кучимиз билан нефтебазаси қурганмиз. Унга 20 минг сўм ҳаражат қилдик. Агар биз уни давлат ҳисобидан қурдирганимизда, мутахассисларнинг ҳисоблаб чиқишларига қараганда, 70 минг сўм сарф қилишимиз керак экан.

Бу тажриба алмашув колхоз ва совхозлардан келган механизаторларда зўр таассурот қолдирди. Улар ўз хўжаликларида Оҳунбобоев номли колхоз механизаторларининг иш тажрибаларини қўллашишга ҳаракат қилажакларини айтишди.

Т. ИҲЛДОШЕВ,
Ўрта Чирчиқ райони.

ПОКИСТОН ҲАРБИЙ АСИРЛАРИ ОЗОД ҚИЛИНМОҚДА

ДЕҲЛИ, 19 февраль. (ТАСС). Ҳиндистон Симлада имзоланган Ҳиндистон-Покистон битими руҳига амал қилиб, 1971 йилдаги Ҳиндистон-Покистон қуролли можароси натижасида асир тушган Покистон ҳарбий асирларининг бемор ва жароҳатланганлардан иборат навбатдаги бир группасини Покистон томонига топширди. 179 кишидан иборат покистонли ҳарбий асирлар группаси чегарадаги Вага шаҳарчасида халқаро қизил крест ташкилоти вакилларининг кузатувида топширилди, деб хабар беради бугун ЮНИ агентлиги.

Йўл фалокати

НЬЮ-ЙОРК, 19 февраль. (ТАСС). Ҳаракат хавфсизлиги техникаси масалалари билан шуғулланувчи миллий кенгаш 1972 йилда Қўшма Штатларнинг йўлларида 56 минг 300 нафар америкалик ҳалок бўлганлигини маълум қилди. Америка Қўшма Штатларининг бутун тарихида ҳеч қачон шунча кўп киши автомобиль ҳалокатига учраган эмас. Кенгашнинг маълумотларига қараганда, автомобиль фалокатлари чоғида бундан ташқари 2 миллионга яқин америкалик майиб бўлган.

ХАВФЛИ ЗОНА

РЕЙКЬЯВИК, 19 февраль. (ТАСС). Хельгафьелль вулқони отилиб чиққандан кейин 23 январда Исландиянинг Хеймаэй оролига келган бир группа халаскорлар мушкул аҳволга тушиб қолишди.

Асосан карбонат ангидрид оксидидан иборат заҳарли газлар одамларнинг ҳаёти учун ғоят хавфли бўлиб қолди. Хельгафьелль вулқони отилиб чиққан кунда вужудга келган янги Киркьюффелль вулқон тоғи атрофида тупроқ остидан чиқмоқда.

Исландия граждан мудофаси бошқармаси оролнинг шарқий қисмини хавфли зона деб эълон қилди.



ЧИЛИДА Халқ бирлиги сўл партияси блоки ҳокимлик қилаётганига икки йил бўлди. Шу давр ичида мамлакат қишлоқ хўжалиги ва саноати кескин суратда ривож топди. Кўплаб иншоотлар ишга туширилди.

«Эль-Тениенте» мамлакатнинг энг йирик мис эритиш кони ҳисобланади. Ўтган йили маҳсулот ишлаб чиқариш ўсди, ишчилар меҳнат унумдорлигини ошириш учун курашмоқдалар. Суратда: «Эль-Тениенте» конининг мис эритиш цехида.

АДН—ТАСС фотоси.

●

БОМБАРДИМОН ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТТИРИЛМОҚДА

ВАШИНГТОН, 19 февраль. (ТАСС). Америка авиацияси Лаос ва Камбоджага бомба зарбаларини беришни давом эттирмоқда. ЮПИ агентлигининг хабар беришича, 18 февралда ана шу мамлакатларнинг территориясига қилинган ҳужумларда қирувчи бомбардимончи самолётлар ва «В-52» типидаги бомбардимончи самолётлар қатнашганлигини Тинч океандаги Америка ҳарбий қўмондонлиги эълон қилди. Ана шу районлардан олинаётган ҳарбий маълумотларда, деб хабар беради агентлик, АҚШ у ерда мавжуд барча ҳарбий-ҳаво кучларидан фойдаланмоқда.

ҚИШЛОВ СОЗ ЎТМОҚДА

Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз чорвадорлари ўтган юбилей йилида давлатга гўшт, сут, тухум ва бошқа чорва маҳсулотлари топшириш планларини ортиғи билан адо этишди. Улар бу йил ҳам зўр ғайрат билан меҳнат қилишмоқда. Бу соҳада, айниқса Холибердиева Нарзиқулов бошчилик қилаётган 1-сут-товар фермаси ходимларининг амалга ошираётган ишлари қувонарлидир. Улар ўтган йили пландаги 315 ўринга 393 тонна сут топширдилар. Бу йил эса давлатга ундан ҳам кўп сут етказиб бериш учун курашишяпти. Шу кунларда ҳар бош ситирдан 9—10 литрдан сут согиб олинмоқда. Разина Зумагузина, Болтажон Бозорбоева, Заргул Мелибоева каби илғор сут согувчилар ҳар бир сигирдан кунига 10—12 литрдан сут согиб олишга эришмоқдалар. Бу йил хўжалик чорвадорлари давлатга 90 тонна гўшт, 50 минг дона тухум, 370 тонна сут топшириш мажбуриятини олишган.

Жамғарилган 3070 тонна силос, 1100 тонна дагал хашак, 250 тонна пичан ва бошқа озуқалардан тежаб-тергаб фойдаланилмоқда. Чорвадорлар ўз аҳдларига вафо қилиш учун янги резервларни ишга солиш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш учун ўзаро социалистик мусобақани авж олдириб юборишган.

А. ҲАЙДАРОВ.

ЁШ МУТАХАССИСЛАР

Янги нурхона — Чорвоқ ГЭСи қурилишида фидокорлик кўрсатаётган меҳнатсеварлар орасида қалби оташ ёшлар анчагина. Бу ерда йигит-қизларнинг дам олиши, ўқиши учун қулай шароитлар яратиб берилган.

Чорвоқ қурилиши техникуми кадрлар ўчоғига айланиб қолди. Билим юртини кўпгина ёшлар битириб чиқди. Ўтган йилнинг ўзида 120 га яқин ёш мутахассис қурилишга йўлланма олди.

Бу йил эса техникум Чорвоқ ГЭСи қурилишининг турли участкаларига 100 дан ортиқ кадрни тайёрлади.

СОВЕТ АРМИЯСИ ВА ҲАРБИЙ ДЕНГИЗ ФЛОТИ КУНИ ОЛДИДАН

ПОСБОНЛАР



Совет жангчисининг ўз бурчига садоқати, Ватан осойишталиги йўлидаги фидокорлиги жанговар топшириқни моҳирлик билан бажаришида, ҳарбий ва сиёсий билимини ошираборишида намоён бўлади. Аъло хизмат қилиш ҳар бир жангчининг шон-шарафли ишидир.

Оталар кўрсатган жасорат, мардлик совет ёшларига тажриба ва сабоқ мактаби бўлиб хизмат қилмоқда. Бўлинмамиздаги ҳар бир жангчи ўқишда, жанговар ва сиёсий тайёргарликда оталар изидан бориб, ҳарбий хизматда жанговарлик намуналарини кўрсатишмоқда.

Ҳозир бўлинмамизда ҳар учинчи жангчи хизмат аълочиси, ҳар иккинчи жангчи юқори разрядли спортчи, кўплари «Аъло хизмати учун» нишони билан тақдирланган.

Офицерларимиз ичида кўп йиллик билим ва тажрибага эга бўлган, ташкилотчилиги билан танилган кишилар оз эмас. Капитан А. Ф. Портнов шулар жумласига киради. У бошлиқ бўлиб, жангчилари ҳарбий ва сиёсий тайёргарликда бошқаларга намуна бўлишмоқда. Бунда моҳир командирнинг муносиб ҳиссаси бор. Шунинг учун ҳам у биринчи даражали «Аъло хизмати учун» нишони билан тақдирланди. Прапорщик Н. И. Сапленок, ефрейтор Т. Холбоев ва А. Абиевлар ҳам шундай нишонни олишга сазовор бўлдилар.

Бўлинмамиз коллективи Тошкент шаҳрида ички тартибни сақлашга ёрдам бериб туради. Меҳнаткашлар осойишталигини таъминлаш, баъзи тажовузкор, безори, ичкиликбозларга қарши курашда жангчиларимиз актив иштирок этмоқда. Умумий тартибни сақлашда сергаклик кўрсатиб, хизматини аъло ўтаётган жангчиларимиз муносиб тарзда тақдирланадилар. Сержант Валерий Кудрик, старший сержант Леонид Кривенколар хизматда жасурлик кўрсатиб, бир неча бор ҳавфли жиноятчиларни қўлга олишда иштирок этдилар. Улар «Милиция аълочиси» значоги билан мукофотланишди.

Совет давлати ташкил топган кунининг 50 йиллигини жанговар ва сиёсий тайёргарликда юқори кўрсаткич билан кутиб олган қисмимизга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг юбилей эсдалик нишони топширилди. Бу офицер ва жангчиларимиз хизматига берилган улкан мукофот бўлди. Улар шу юксак ишончга яраша хизмат қилишга сўз бердилар.

Ёшларда она-Ватанга муҳаббат туйғусини ўстириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш офицерларимизнинг асосий вазифаларидан бири. Бу соҳада ҳам анчагина ишлар қилинди. Шаҳар, колхоз ва совхоз мактаблари билан яқиндан алоқа ўрнатилди. Ўқувчилар билан жангчиларимиз ўртасида ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Улар тез-тез учрашиб, дам олиш кечалари, тематик суҳбатлар, турли мавзуларда лекциялар уюштирадилар.

Мактаб ўқувчилари билан айниқса мустаҳкам алоқа боғланган. 53 мактабнинг Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Альфина Алексеевна Романова раҳбарлигидаги «Грушица» ансамбли тез-тез жангчилар ҳузурига келиб туради. Байрам концертлари улар иштирокида ўтади. Совет кишисининг маданияти, солдатлик бурчи каби мавзуларида суҳбатлар ўтказилади. Ўқувчилар ўз навбатида жангчиларимиз ҳаёти билан яқиндан танишадилар. Ўтган йили 15 апрель шанбалигида 33 ва 53 мактаб ўқувчилари жангчиларимиз билан биргаликда Халқлар дўстлиги хиёбони барпо қилишди. Хиёбонга мевали ва манзарали дарахтлар ўтказилди.

Мактаб ўқувчилари ҳарбий-спорт ўйинларини жуда севадилар. Ўтган ёзда «Горний» лагерида жангчиларимиз ёрдамида «Зарница» ўйинлари ўтказилди. Уни ташкил этишда коммунист, комсомолдардан В. Токаварев, А. Дьяконенко, Русия, Будко, Пак ўртоқлар актив иштирок этдилар.

Мактабларда ўтказиладиган ҳарбий машғулотларни бўлинмамиздагилар оталиққа олишган. Лейтенант В. Окушев ўқувчиларга ҳарбий қуроллар, бу қуроллардан отиш усуллари юзасидан практик машғулотлар олиб борди. Шунингдек химиявий қуроллардан сақланиш комплекти билан таништирди. Бу машғулотларда ўқувчиларда ҳарбий ҳаётга кўникма ҳосил қилинаётир.

Ёш жангчилар билан тажрибали хизматчиларнинг учрашув кечалари ўтказилмоқда. Кечада жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочилари ёшларга ўз тажрибалари, ҳарбий маҳоратлари ҳақида сўзлаб берадилар. Ўз навбатида ёш жангчилар ҳам муносиб ўринбосарлар бўлишга ваъда қиладилар. Жангчи тўғилган куни биргаликда нишонлаш ҳам анъана бўлиб қолган.

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 55 йиллигини бўлинмамиз жангчилари, сержант ва офицерлари муносиб кутиб олишмоқда.

Байрам куни офицерларимиздан Ю. С. Михальский, А. И. Шабенов, сержант А. И. Тарасенко, жангчилардан Қ. Муҳаммедов, Дудка, Сердюк ва бошқа ўртоқлар мактабларда лекция ва суҳбатлар ўтказадилар. 23 февраль биринчи машғулот жасурлик дарси деб аталади. Бу машғулотни ўтказишга пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

Н. ОРТИҚОВ,
офицер.

●

Суратда: лейтенант Ю. Михальский (ўнгда) жангчилар билан навбатдаги жанговар вазифалар ҳақида суҳбатлашмоқда.

Н. ТУРАЕВ фотоси.

ДЎСТЛАР ДИЁРИДАН ҚАЙТИБ

Болгария Халқ Республикасида мавсумолди машқларини ўтказган «Пахтакор» футболчилари Тошкентга қайтиб келдилар. Футболчиларимиз делегациясига Тошкент область физкультура ва спорт комитетининг раиси Наримон Жалолов бош бўлган эди. Мухбиримиз куни кеча ўртоқ Н. Жалолов билан суҳбатлашиб, Болгария таассуротлари ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

— Биз дўст мамлакатга Хасково округидаги ўртоқларимиз таклифи билан борган эдик, — дейди суҳбатдошимиз. — Хасковоликлар футболчиларимиз учун ўзларининг энг яхши стадион, зал ва майдонларини бериб қўйишди. «Пахтакор» округнинг «Димитров Канев» командаси билан биргалашиб машқлар ўтказди. Машқлардан бўш вақтларда ўзбекистонлик футболчилар Хасково округи ҳаёти билан танишдилар.

— «Пахтакор»нинг Болгарияда ўтказган машқ учрашувлари ҳақида гапириб берсангиз?

— Футболчиларимиз дўстлар диёрида бешта ўртоқлик учрашуви ўтказишди. Улардан асосий мақсад ўйинчиларнинг тайёргарлигини кўриб чиқиш, звенолардаги камчилик ва нуқсонларни аниқлаш эди. Биз биринчи учрашувни Пловдив шаҳрида маҳаллий «Локомотив» билан ўтказдик. Бу команда Болгария чемпионатида биринчи давра якунига кўра олдинда бормоқда. Унинг составида мамлакатнинг энг кучли бир неча ўйинчиси бор. Жумладан, Болгария терма командасининг етакчи ўйинчиси Бонев «Локомотив» капитани ҳисобланади. Учрашув қизиқарли ўтди. Майдон эгалари дарвозабонимиз Говоров қўлидан чиқиб кетган тўпни кутилмаганда мўлжалга киритишди. Гарчи «Пахтакор» бу ўйинда 0:1 ҳисобида ютқазган бўлишига қарамай, команда тренерлари В. Соловьев, Ҳ. Раҳматуллаевлар йигитларимизнинг яхши ҳаракат қилишганлигини, уларнинг ўйинидан мамнун бўлганликларини таъкидлашди. Сўнг «Пахтакор» Болгария чемпионатининг биринчи группасида қатнашувчи командалар билан куч синашди. Димитровград футболчилари билан бўлган ўйин 2:2 ҳисобида тугади. Худди шу ҳисоб биринчи группада пешқадамлик қилаётган Габрово шаҳар командаси билан учрашувда ҳам қайд қилинди. Пахтакорчилар «Димитров Канев» командасини 4:2 ҳисобида, Светлоград шаҳри футболчиларини эса 5:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Бу ўйинларда ўйинчилар бир-бир синаб кўрилди. Фақат ҳали соғайиб кетмаган Розиқ Турғуновдан ташқари барча футболчиларимиз майдонга тушишди. Тренерлар бир йиллик танаффусдан сўнг сафга қайтган ҳужумчи Тўлаган Исоқов, командага янги қабул қилинган ҳимоячи Александр Белов ва бошқаларнинг ансамблга қўшилиб кета олганликлари, умуман яхши таассурот қолдирганликларини айтмоқдалар.

— Машқларни ўтказишга об-ҳаво шароити қандай имкон берди?

— Болгарияда ҳаво жуда яхши. Шунинг учун ҳам бу ерда фақат «Пахтакор»гина эмас, балки мамлакатимизнинг бошқа командалари ҳам мавсумолди тайёргарлиги ўтказишмоқда. Биз у ерга Москва динамочилари билан бирга учиб борган эдик. Дўст мамлакатда Шунингдек, Москва армиячилари, «Крылья Советов», «Черноморец» командалари ҳам машқлар олиб боришмоқда.

Энди «Пахтакор» мавсумгача қолган даврда Самарқандда бўлиб, охирги тайёргарликни ўтказади.

ЁШ ЎҚИТУВЧИЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

Тошкент медицина институтида ёш ўқитувчилар университети ташкил қилинди. Жамоатчилик асосида иш кўрадиган ана шу олий ўқув юртида ўқитувчилик фаолиятини эндигина бошлаётган 150 ассистент таълим олади.

Ёш ўқитувчилар университетини ташкил қилиш тўғрисида институт ректорати ва партия комитетининг қарорида бундай дейилади: бу тадбир КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Мамлакатда олий таълимни янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги қарорини муваффақиятли бажаришга ёрдам беради.

Жамоатчилик асосида ишлайдиган университетда дарс бериш учун таниқли олимлар ва мутахассислар жалб этилди. Хизмат кўрсатган фан арбоби профессор М. П. Постолов университетнинг ректори бўлди.

(ЎзТАГ).

ТЎЛА МЕТРАЖЛИ ФИЛЬМ

Ёш Бангладеш Республикаси тараққиёт йўлидан бормоқда. Унинг бугуни ҳаёти, қўлга киритаётган ютуқлари ҳақида кинолекталар орқали ҳикоя қилиб бериш мақсадида тўла метражли ҳужжатли фильм яратишга киришилди.

Бу экран асари таниқли кинорежиссёр СССР халқ артисти Малик Қаюмов раҳбарлигида суратга олинади. Яқинда атоқли санъаткор бошчилигида операторлар группаси Бангладеш республикасига ижодий сафарга йўл олди.

Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси маҳсулоти бўладиган бу асарда тинчлик ғояси ўз аксини топади.

„ЧЕТДАН КЕЛГАН КИШИ“

Максим Горький номидаги Давлат рус драма театрининг ижодкор коллективи яқинда И. Дворецкийнинг «Четдан келган киши» пьесасини саҳналаштирди.

Бошқаришнинг эскича усулларига таг-томири билан тирмашиб олган корхона директори ва унинг хомийлари билан коллективчилик принципларига амал қилиб, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш йўлида жонфидолик кўрсатаётган коммунист ёшлар ўртасидаги кураш асар моҳиятини ташкил этади.

Воқеа Ленинград шаҳри яқинидаги металлургия заводида Улуғ Ватан урушидан сўнгги йилларда юз беради. Корхонада улкан мис эритиш цехи ишга тушади. Цех бошлиғи Гаврил Романович Грамоткин ишни уддалай олмай, кўзбўямачилик йўлига ўтиб олади. «Планни дўндирмоқдамиз» ниқоби остида қалбаки ҳужжатлар тайёрлайди. Директор буни билатуриб, ўзини сезмасликка олади. Тафтиш пайтида цехда неча юзлаб тонна пўлат эритмаси етишмаслиги аниқланади. Цех бошлиғи қилмишига яраша жазо олади.

Шаҳар партия комитети тажрибакор, инженер Александр Георгиевич Чешковни цех бошлиқлигига тавсия этади. Директор 32 ёшли йигитни совуққонлик билан қарши олади. Кунлар ўтиши билан улар ўртасидаги конфликт авжига чиқади.

Октябрь тантаналарига икки ҳафта қолганида директор цех бошлиғини ҳузурига чақиртиради:

— Хўш, Александр Георгиевич, байрамни қандай совғалар билан кутиб оламиз?

— Ҳеч қандай! — зардали оҳангда жавоб қилади инженер.

— Демак, план бажарилмас экан-да, — директор ғазини кўпиртириб заҳарханда қилади.

— Йўқ, ўртоқ инженер. Плужин раҳбарлик қилаётган заводда план бажарилмади деган гап бўлмайди. Кўплаб мартен ўчоқларининг ишини тўхтатиб қўйибсиз, яна қандайдир янгиликларни амалга ошираётганмишсиз. Ўзбошимчалик бўлмасин. Бугундан бошлаб цехни тўлиқ қуватга солинг. Мен учун план, мукофот, шон-шуҳрат керак.



— Ахир, наҳотки мартен ўчоқларига, неча миллион сўмлик техникага раҳмингиз келмаса. — Инженер қизиққонлик қилиб ўрнидан туриб кетади. — План, мукофот кетидан қувиб, техникаларни ремонтсиз, қаровсиз ишлатавериб тинкасини қуритибсизлар-ку. Энди буёғига чидайсиз. Беш—олти ойсиз тўлиқ қувватда ишлай олмаймиз.

Хайбаракачиликка иш тутиб, қабиҳлик йўли билан бўлса-да, текин мукофотлар олишга ўрганиб қолган цехнинг айрим аъзолари Александр Георгиевич билан чиқишолмай ишдан бўшаб кетишади. Бу инженерни чўчитмайди. Директор ўринбосари Рябинин, инженер-экономист Шчеголева, собиқ цех бошлиғининг ўринбосари Манагаров, шунингдек цехга янги ишга келган ёшлар билан хамкорликда иш тутиб, инженер ишлаб чиқаришга дадил техникавий революцияни олиб киради. Бир йил деганда цех корпусларида мис эритиш бўйича давлат топшириқлари тўлиқ бажарилди.

Цех бошлиғи Александр Георгиевич Чешков ролини театрнинг ёш, изланувчан артисти Валерий Никитин мароқ билан ижро этган. Янгиликни қўлга киритиш йўлидаги мутахассис кадрларга хос бўлган уддабуронлик, ишбилармонлик, қаҳрамонининг ички кечинмалари ниҳоятда ишонарли чиққан. Ўзбекистон ССР халқ артисти М. Мансуров ва М. Любанский, республикада хизмат кўрсатган артистлардан Н. Михайлов ва П. Дрозовлар ижро этган Манагаров, Грамоткин, Плужин, Полуэктов образлари ҳар томонлама аниқ ва қизиқарли чиққан.

Саҳна асарида воқеа ривожини тўлақонли очилишига салбий таъсир кўрсатган айрим камчиликлар ҳам бор. Бироқ, бунга қарамай, асар корхоналарга янгилик олиб кираётган мутахассис кадрларнинг образи ний яратиб, муҳим темага қўл урилган.

Биз ижодкор коллектив томонидан саҳнага олиб чиқилган бир спектакль устида қисқачагина тўхталиб ўтдик. Улар янгидан-янги асарлар устида иш олиб боришмоқда.

— Шу кунларда Аникловнинг «Солдат бева»си асари устида иш олиб бормоқдамиз,— дейди театрнинг бош режиссёри, РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Натан Израилович Басин. — Бу асарда Улуғ Ватан урушининг бўронли йилларида фронт ортида туриб, хўжалигимизни юргизиб турган жанговар хотин-қизларимизнинг образлари гавдаланади. Шунингдек, Комил Яшин ва Умарийнинг «Ҳамза» асари, москвалик автор Алёшиннинг «Севилиядаги воқеа» асари ва америка ёзувчиси Тениси Уилямснинг капиталистик дунёнинг башарасини очиб ташловчи «Орфей жаҳаннамга тушмоқда» асарларини саҳнага қўйиш ниятимиз бор.

Театр коллективи жамоатчилик йўли билан пойтахтимиз меҳнаткашлари ўртасида рус театри санъатини кенг пропаганда қилмоқда. «Ташсельмаш», Тошкент кабель, Трактор, Самолётсозлик заводларини театр ўз оталигига олган. Санъаткорлар план бўйича мазкур заводларда бўлиб, ишчилар даврасида спектакллар қўйиб беришмоқда, санъат ҳақида қизиқарли савол-жавоб кечалари уюштиришмоқда. Олий ўқув юртлари ва мактаблар билан узвий алоқа боғланган.

Саҳна асарлари билан кишиларимизни коммунистик руҳда тарбиялашда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келаётган драма театри коллективига келгуси ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

И. ЮСУПОВ.

Суратда: яқинда театр коллективи томонидан саҳналаштирилган А. Софроновнинг «Мерос» спектаклидан кўриниш.

М. НУРИДДИНОВ фотоси.



Суратда: ресторан ошпазларидан бир группаси.

А. Абалин фотоси.

БАЙРОҚДОР КОЛЛЕКТИВ

Бу коллектив номини тресда илғорлар қаторида тилга олишади. Аҳолига намунали савдо хизмати кўрсатишда ҳам, планни ошириб бажаришда ҳам «Баҳор» ресторани коллективи Янгийўл район умумий овқатланиш трести кўчма Қизил байроғини қўлларида сақлаб келмоқда.

— Ахил коллективимиз ишчанлиги, хўрандаларга хушмуомилалиги билан, миллий ва европача таомларни мазали қилиб тайёрлаши билан эл ҳурматига сазовор бўлиб келяпти, —дейди ресторан директори ўртоқ О. Ёшнатуллаев.— Бизда ўз ишининг чинакам устаси ишлашади. Ошпазларга Меҳнат Қизил байроқ орденли, совет савдоси аълочиси Турсунбой Қорабоев бошчилик қилмоқда. Тошўлат Хамидов, Сирожиддин Умурзоқов, Искандар Зиёдинов, Иван Белов, Вахоб Усмонов, Тўлаган Маҳкамов сингари ошпазлар тайёрлашётган манти, сомса, лағмон, манфар, чучвара, мастава, мошхўрда ва бошқа таомлар бу ерга келувчиларга манзур бўлянти.

Таклиф ва истаклар дафтарини варақласангиз фақат мактов сўзларини ўқийсиз. Мана бу сатрларни Ниёзбошн қишлоқ советидаги Ленин номли колхоз аъзоси Х. Абдуллаев ва Янгийўл районидаги Самарқанд кўчаси, 3-уйда яшовчи П. Мусинлар ёзиб қолдиришипти: «Бизга айниқса чўзма лағмон мақбул бўлди. Уни тайёрлаган ошпазларга балли».

Ресторан коллективи бир неча марта фахрий ёрликлар ва пул мукофотлари билан тақдирланган.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 — «Марек Пегуснинг ғаройиб саргузаштлари». (Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг еттинчи серияси ўзбек тилида). 11.55 — «Миттн юлдузлар». Фильм-концерт (рус тилида). 12.25 — Кўрсатувлар программаси.

12.30 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

19.25 — Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 19.30 — Рангли телевидение. Болалар учун мультфильм. 19.50 — «Ахборот» информацион программаси.

Ўзбек тилида: 20.05 — Ун минут музика. 20.15 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 20.35 — Совет Армияси ва Ҳарбий—Денгиз Флоти куни олдидан. «Шонр ва жангчи». 21.05 — «Ахборот» информацион программаси. 21.20 Ёш ижрочилар концерти.

22.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 22.30 — «Дўстлик йўлларн», 23.00 — «Фарзандлар жангга жўнайди». (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўқув программаси

11.30 — Химия. 10-синф. «Синтетик ва сунъий толалар» (ўзбек тилида).

Рус тилида: 12.00 — «Серафимович» (телевизион фильм). 12.25 — Химия. 10-синф. «Синтетик ва сунъий толалар». 18.35 — Болалар учун мультфильм. 18.55 — «Старшеклассник» программаси.

19.25 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 22.00 — Реклама. 22.15 — «Олтин Идоль афсонаси» (2 серияли фильм).

МОСКВА КЎРСАТАДИ

22.30 — Рангли телевидение. Хоккей бўйича СССР чемпионати. ЦСКА—«СПАРТАК» (Москва).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Телевизион ҳужжатли фильм (рус тилида).

Ўзбек тилида: 19.30 — Эстетика асослари. 8—10 синф. «Санъат турлари». Театр санъати. 20.10 — Ўқувчилар учун. «Қизиқарли математика». 20.45 — А. Островский. «Камбағаллик айб эмас». Телевизион спектакль.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/II да Табассум ўғрилари, 22/II да Самандар.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 21/II да Тоғ гўзали, 22/II да Ҳалима.

КИНО

21 ФЕВРАЛДА

19 қиз ва бир денгизчи — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

Кромвель (2 серия, кундуз соат 12 ва кеч 6 да). Кулгили қиз (кундуз соат 3 ва кеч 8 яримда): — «ЧАЙКА».

Семург—НАВОИЙ номли (эрталаб соат 11, кундуз 12.30 минут, 2 ва 5.30 минут, 5 кеч 6.30 минут ва 8 да). «ВОСТОК» (эрталаб соат 11, кундуз 1, 5.30 минут ва кеч 7 да), «КЎКЧА» (тоқ соатларда).

Солярис (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 12, 5 кеч 6 ва 8.45 минутда); ҲАМЗА номли (кундуз соат 5 ва кеч 8 да).

19 қиз ва бир денгизчи; Сенними шошмайтур! (5 серия) ва Жосуслик эҳтиросларн — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2.30 минут ва кеч 8 да), «МОСКВА» (эрталаб соат 11 да, кундуз 12.30 минут, 3, 5.30 минут ва кеч 8 да), «ДРУЖБА» (эрталаб соат 11, кундуз 2.5 ва кеч 8 да).

Семург; Сенними шошмайтур! (5 серия) ва Жосуслик эҳтиросларн — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 3, кеч 6 ва 9 да).

Одам—оркестр; Тахта — «ДРУЖБА» (кундуз соат 12, 3, кеч соат 6 ва 8.45 минутда).

Эрамиздан миллион йил илгари — ҲАМЗА номли (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 3 да).

Инсонни севинг — «ВОСТОК» (кундуз соат 3 ва кеч 8.30 минутда).

Ўзбекистон Театр жамияти Ўзбекистон ССР халқ артисти, Театр жамиятининг аъзоси Гавҳар Раҳимовага турмуш ўртоғи

Ғулом РАҲИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 01219. ИНДЕКС 64697.

№ В—1678. Ш